

Қ А Р О Р

2021 йил ноябрь ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья С.Ш.Содиқов, судья ёрдамчиси С.А.Вахобовнинг котиблигида, Пайариқ туман ИИБ бошлиғининг муқаддам судланган Қаландаров Норбутага нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимномаси билан танишиб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Қаландаров Норбута, 1953 йил 5 апрелда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 9 нафар фарзанди бор, муқаддам 1) жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг 2010 йил 11 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2010 йил 28 августдаги амнистия тўғрисидаги Қарорга асосан жазодан озод қилинган; 2) жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2014 йил 4 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Пайариқ тумани “Гулистон” МФЙ “Гарай” қишлоғида яшайди.

Муқаддам судланган Қаландаров Норбута жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2014 йил 4 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2017 йил 6 ноябрдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг 3 йил 11 ой 4 куни шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2020 йил 10 августдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 2 ой озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

Тақдимномада, Қаландаров Норбута муқаддам содир этган ўта оғир жинояти учун судланиб, жазони ўтаб чиқиб ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, бир йил ичида икки марта ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий



жавобгарликка тортилганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Қаландаров Норбута ўз кўрсатувида, муқаддам ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланганлигини, судланганлик ҳолати тугалланмаганлигини, у томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги туман ИИБ ходимлари томонидан аниқланганлигини, бундан кейин ҳуқуқбузарлик содир қилмаслигини билдирди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Х.Жабборов ўз кўрсатувида, Пайариқ туман ИИБ ХПБ профилактика инспектори лавозимида ишлашини, Н.Қаландаров муқаддам ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланганлигини, Н.Қаландаров 2021 йил 7 октябрь куни жамоат жойида тамаки маҳсулоти чекиб ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56¹-моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 90.000 сўм жарима жазоси тайинланганлигини, 2021 йил 7 октябрь куни карантин қоидаларини бузиб ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 54-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 54.000 сўм жарима жазоси тайинланганлигини, Н.Қаландаров номуносиб турмуш тарзи кечириб келаётганлиги сабабли туман ИИБ бошлиғи томонидан унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни сўраб судга тақдимнома киритилганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси 3-хатбошисида “жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан – судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликни олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида судга тақдимнома юборилиши лозимлиги кўрсатилган, ушбу Қонун 6-моддасида “8-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган вояга етган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилади”-деб кўрсатилган.

Суд, ушбу тақдимномани ўрганиб чиқиб, Қаландаров Норбута жазони ўтаб чиққанидан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жамоат жойларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги сабабли келгусида уни бирон-бир жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш ҳамда унга нисбатан яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш лозимлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан



маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 6-10-моддаларига асосан Қаландаров Норбутага нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 6-10-моддаларини қўллаб суд,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Пайариқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Фуқаро Қаландаров Норбутага нисбатан 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга қуйидаги маъмурий чекловлар ўрнатилсин.

1) Ҳар ойнинг 10 ва 25 кунлари Пайариқ туман ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш белгилансин;

2) Кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача яшаш уйдан чиқиш;

3) муайян жойларга, яъни кафе, бар ва ресторанларга бориш;

4) алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш;

5) Пайариқ туман ИИБни рухсатсиз Самарқанд вилояти ҳудудидан чиқиш таъқиқлансин.

Қарорни ижро қилиш ва унга бўйсунмаслик оқибатларини тушунтириш Пайариқ туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози томонлар 10 кунлик муддат ичида шу суд орқали, Самарқанд вилояти судининг апелляция инстанциясига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

С.Ш.Содиқов

